

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

ПАХТА ТОЛАСИ
Техникавий шартлар

Расмий нашр

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
Ўзбекистон давлат маркази

Тошкент

ЎЗДАВСТАНДАРТ
Республика
стандартлаштириш бўлими


Сўз боши

1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаштириш «Сифат» маркази томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Стандартлаштириш бўйича «Пахта» Техник Қўмитаси томонидан КИРИТИЛГАН

2 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон давлат маркази томонидан ТАСДИҚЛАНДИ ВА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ 2001 й. 05.25 № 12-24

3 Ўз РСТ 604-93 ЎРНИГА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН



Мундарижа

1	Кўлланиш доираси	1
2	Меърий ҳаволалар	1
3	Таърифлар, белгилашлар ва қисқартиришлар	1
4	Асосий кўрсаткичлар	3
5	Техник талаблар	3
6	Қабул қилиш шarti	5
7	Синаш усуллари	6
8	Ташиш ва сақлаш	6
A Илова	Навлар бўйича тансифлаш	7
B Илова	Махсус қўлланиладиган усулларга асосан пахта толасининг кўрсаткичлардаги таърифи	9
B Илова	Библиография	10



ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

ПАХТА ТОЛАСИ
Техниқавий шартлар

ВОЛОКНО ХЛОПКОВОЕ
Техническне условия

COTTON FIBRE
Technical conditions

Жорий этиш санаси 01.05.01
01.05.06

1 Қўллаиш доираси

Ушбу стандарт пахта заводларида пахтани қайта ишлашда олинандиган пахта толасига жорий этилади.

Стандарт талаблари мажбурийдир ва сертификатлаштириш мақсадларига яроқли.

2 Меъёрий ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалар қўлланилган:

Ўз РСТ 614-94 Пахта толаси. Намуна танлаб олиш усуллари

Ўз РСТ 618-94 Пахта толаси. Пишиб этилганликни аниқлаш усуллари

Ўз РСТ 619-94 Пахта толаси. Солиштирма узиниш кучини аниқлаш усуллари

Ўз РСТ 620-94 Пахта толаси. Чизиқли зичлик ва микронейр кўрсаткичини аниқлаш усуллари

Ўз РСТ 629-95 Пахта толаси. Ранги ва ташқи кўринишини аниқлаш усуллари

Ўз РСТ 632-95 Пахта толаси. Нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдорини аниқлаш усуллари

Ўз РСТ 633-95 Пахта толаси. Узунликни аниқлаш усуллари

Ўз РСТ 634-95 Пахта толаси. Намликниш массавий нисбатини аниқлаш усуллари

Ўз РСТ 841-97 Пахта толаси, пахта момиги, пахта тозалаш заводларининг ўлик аралашган чиқиндилари ва пахтаишг қалта момиги аралашган чиқиндилари. Ҷрам, белги қўйиш, ташини ва сақлаш


3 Таърифлар, белгилашлар ва қисқартиришлар

Мазкур стандартда қуйидаги атамалар, таърифлар ва белгилашлар қўлланилади:

Классеёрлик усули – пахта толасига лави ва синфи бўйича органолептик баҳо беришдир, бунда тола ташқи кўриниш бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган намуналар билан солиштирилади ҳамда унинг штапел узунлиги қўлда тортилган штапел билан аниқланади. Асбоб ёрдамида фақат микронейр кўрсаткичи аниқланади.

Бу усул ҳар тўланинг 10% ини назорат қилинида қўлланилади, лекин тойма-той синовларда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Расмий нашр



HVI (Эйч Ви Ай) – пахта толасини узунлик, узунлик бўйича бир хиллик, ишчилик, узиллидаги узайин, микроцейр, ранг ва ифлосланган кўрсаткичлари бўйича юқори самарадор High Volume Instruments синовлари ўлчан тизимининг қисқартирилган помлангани.

Ташқи кўриниш намуналари – пахта толасининг аниқ бир нави ва сифига хос бўлган ранг, доғлармавжудлиги, тузиллиш ҳамда ифлосланганлик жиҳатидан сифат таърифлари мажмуини ифодаловчи, белгиланган тартибда тасдиқланган пахта толаси намуналари. Намуналар узун толали ва ўрта толали пахта толаси учун алоҳида тайёрланган.

Махсус қўлланиладиган усуллар – пахта толаси кам намуна асосида асбоб ёрдамида синалишиг аънаваний усуллари, бунда пахта толасининг турли тойларида ёки текшириладиган андазанинг турли жойларидан тандаб олинган намуналар миқдорини кўп мартаба ўртача ҳолга келтириш ва камайириши йўли билан синов намунаси олинади. Кўп меҳнат ва вақт талаб қилини, синаладиган намунанинг кам миқдори билан ажралиб турувчи бу усуллар пахта толасини сертификатлаш мақсадлари учун ароқсиздир. Мазкур усуллар пахта хом ашёсини баҳолашда, селекционерлар ишида пахта заводларида ва тўқимачилик корхоналаридаги технологик жараёни назорат қилишда қўлланилади.

Микроцейр кўрсаткичи – Microgate (Mic) – пахта толаси намунасининг ҳаво ўтказувчанлигига қараб толалинг илгичкалиги ва ишиб етилганлиги таърифлаш.

Юқори ўртача узунлик – Upper Half Mean Length (UHM) – текшириладиган намуна массасининг ярмини ташкил қилувчи энг узун толаларнинг ўртача узунлиги бўлиб, диймда ёки мм да ифодаланади. Бу атама мазмуни «Юқори ярим ўртача узунлик» деб қилинган нотўғри таржимасидан ҳам маълум.

1/32 дюймдан иборат штапель узунлик – Staple Length 32nds (Staple) – толанинг узунлиги бўлиб, у классификатор томонидан қўлда тортиган параллел толалар штапелини визуал, яъни кўз билан кўриб аниқланади ва 1/32 дюймда (масалан, 1 1/32), ёки кодда 1/32 ораллигига баробар миқдордаги кодда аниқланади, ушбу мисолда – 33 га барабар.

Ўртача узунлик – Mean Length (ML) – намунадаги барча толаларнинг ўртача узунлиги.

Узунлик бўйича бирхиллик индекси – Uniformity Index (Unf) – толалар ўртача узунлигининг юқори ўртача узунликка нисбати билан белгиланувчи таъриф бўлиб, фоиз ҳисобида ифодаланади.

Калта толалар индекси – Short Fiber Index (SFI) – намунадаги узунлиги 0,5 дюймдан (12,7 мм) калта бўлган толалар улуши бўлиб, фоиз ҳисобида ифодаланади.

Нур қайтарин коэффициент – Reflectance (Rd) – синаладиган пахта толаси намунаси юзасидан қайтган ёруғлик миқдори, фоиз ҳисобида ифодаланади.

Сарғишлик даражаси – Yellowness (+b) – синаладиган намуна таркибда сарғишлик даражаси.

Трэш код – Trash Code (T) – потоловий аралашмалар билан ифлосланганлик кўрсаткичи, ифлос аралашмалар майдонини 10га кўнайитириш йўли билан аниқланади. Масалан, агар ифлос аралашмалар майдонининг улуши 0,4%ни ташкил этса, Трэш код 4 га тенг бўлади.

Ифлос аралашмалар майдони – Trash Area (Area) – HVI тизимида ўлчов асбоблари ёрдамида аниқланадиган ифлос зарраларнинг умумий майдони, бу намуна юзасини сканерлаш йўли билан аниқланади ҳамда текшириладиган намуна юзаси майдонига нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланади.

Ифлос аралашмалар сони – Trash Count (Cnt) – намунадаги диаметри 0,01 дюйм (0,25 мм) ва ундан катта бўлган, алоҳида ифлос заррачалар сони.

Солиштирма узлиш кучи – Strength (Str) – пахта толасининг пишқиллиги бўлиб, калибранаувчи пахтанинг HVI градуировкасида (HVI Calibration Cotton), гс/тексада (сН/текс) ифодаланади.

Узлиншдаги узайиши – Elongation (Elg) - HVI тизимидаги динамометрда толанинг узлиншдаги узайиши, фоизларда ифодаланади.

4 Асосий кўрсаткичлар

4.1 Таснифлаш классификация усулларига қараб пахта толаси сифат кўрсаткичларининг номламини (номенклатураси) 1-жадвалда келтирилган

1-Жадвал

Кўрсаткичлар	HVI усули	Классер усули	Махсус усуллар
Тиши	+	+	+
Нави	+	+	+
Сиффи	+	+	+
Микронейр кўрсаткичи (Micronaire)	+	+	+
Юқори ўртача узунлик (Upper Half Mean Length) мм (дюйм)	+		
Штапел узунлиги (Staple) 1/32 дюймда	+	+	
Пур қайтариш коэффициенти (Rd), %	(+)		
Сарғишлик даражаси (+b)	(+)		
Солиштирма узлиш кучи (Strength), гс/текс (сН/текс)	(+)		+
Трэн код (Trash Code) ёки ифлос аралашмалар майдони (Area), %	(+)		
Ифлос аралашмалар сони (Trash Count)	(+)		
Узлиншдаги узайиши (Elongation),%	(+)		
Узунлик бўйича бирхиллик индекси (Uniformity Index), %	(+)		
Калта толалар индекси (Short Fiber Index)	(+)		
Штапел массаузунлиги, мм			+
Чизиқли зичлик, м/текс			+
Пишиб етилганлик коэффициенти			+
Нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улushi, %			+
Намликнинг массавий исбати, %.			+

И з о ҳ: + мажбурий кўрсаткич; (+) маълумотнома кўрсаткич.

5 Техник талаблар

5.1 Пахта толасининг тишлари

5.1.1 Пахта толаси узунлик кўрсаткичи бўйича 2-жадвалдаги меъёрларга мувофиқ 9-та: 1а, 1б, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 – тишларга бўлинади. Ҳар хил кўрсаткичлар бўйича тишини аниқлашда фарқлар келиб чиққан ҳолда юқори ўрта узунлик (УНМ) мм-да устувор мавқеда бўлади.

ЎЗДАВСТАНДАРҒ
Республика
стандартлаштириш бўлими

3-Жадвал

Саноат шари	Толанинг тишлари буйича ранги ва ташқи кўриниши	
	1а, 1б, 1, 2, 3	4 - 7
I	Оқ ёки табиий нимранг оқ тусли ёхуд пахталининг селекцион лави ёки ўстирила- диган ҳудудига боғлиқ бўлган нимранг. Ипаксимон, ялтироқ ва зич кўринишда	Оқ ёки табиий нимранг оқ тусли
II	Хира оқ рангдан то нимранг тусгача ва катта бўлмаган сариқ доғли, ярқироқлиги, ипаксимонлиги ва қалинлиги биринчи навга нисбатан ястроқ	Хира оқ рангдан оч сариқ доғли нимранггача
III	Хира оқ рангдан то нимранг тусгача ёки сариқ доғлари бўлган потекис сарғиш ранггача. Кулрангроқ тусли, деярли ялтирамайди	Хира оқ рангдан сариқ доғли нимранг, сарғиш ранггача, нурсиз, кулрангроқ тусли
IV	Сариқ ёки кулранг аралашган потекис сарғиш тусли ва қўнғир доғли. Ялтироқлиги йўқ	Хира оқ ранг ва нимрангдан кулранг тусли сарғиш нимранггача ва қўнғир доғли
V	Қўнғир рангдан то доғли сариқ ранггача. Кулранг	Хира оқ ёки хира нимрангдан қўнғир доғли яққол сариқгача. Кулранг

И з о ҳ : 3-жадвалдаги талаблардан ва ташқи кўриниш намуналаридан фарқ қиладиган рангли тусларга эга бўлган пахта толаси истеъмолчи билан келишилган ҳолда жўнатилади.

6 Қабул қилиш шарти

6.1 Пахта толаси тўдалар буйича етказиб берилиши ва қабул қилиб олинishi керак.

Сифат кўрсаткичлари ягона ҳужжат билан расмийлаштирилган бир хил тишдаги селекция ва саноат лави сифатга оид бирга қўшиб юбориладиган битта ҳужжат билан расмийлаштирилган тоғлар сони тўда деб ҳисобланади.

Тўданинг энг кўп миқдори бир темир йўл вагонидан ошмаслиги керак.

6.2 Кондицион массасини ҳисоблаш учун намликнинг меъёрланган массивий нисбати – 8,5%. Намликнинг энг кичик массивий нисбати – 5,0 %.

6.3 Кондицион массаси (M_n) килограммларда қуйидаги ифода буйича ҳисобланади:

$$M_n = M_\phi \cdot \frac{100 + W_n}{100 + W_\phi}$$

Бунда M_ϕ – қабул қилишга тақдим этилган пахта толаси тўдасининг ҳақиқий оғирлиги, кг;


W_n – 8,5%га тенг бўлган намликнинг меъёрланган массивий нисбати, %;

W_ϕ – пахта толаси тўдаси намлигининг ҳақиқий массивий нисбати, %;

Ҳисоблаш ўлик белгисигача аниқликда амалга оширилади ва бутун сонгача яқиллаштирилади.

6.4 Бирга қўшиб юборилган ҳужжатда қуйидагилар кўрсатилади:

- пахта тозалаш заводининг номи ва манзили;



- тўда номери;
- тўдадаги тойлар сони;
- тойларнинг рақамлари;
- ҳар бир тойнинг брутто вази;
- тўданинг кондицион массаси;
- пахта толасининг селекция ва саноат навлари, тили ва синфи;
- 1 - жадвалга асосан синов натижалари;
- тола ишлаб чиқарилган кун (сана).

6.5 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пахта толаси албатта сертификатлаштирилиши шарт бўлиб, ҳар бир тўданинг 100% тойлари 1-жадвалдаги номенклатура бўйича HVI тизимида синалади.

Сертификатлашни 1-жадвалга асосан классер амалга оширишга ҳам йўл қўйилади.

6.6 Пахта толасининг белги қўйиш ва ўраш талабларига мувофиқ келиши тойларнинг 100%да текшириб кўрилади.

6.7 Таъминловчи билан истеъмолчи ўртасида пахта толасининг миқдорини аниқлаш хусусида келишимовчиликлар келиб чиққан ҳолларда, тола миқдорининг тойма-той назорати амалга оширилади.

7 Синаш усуллари

7.1 Пахта толаси қўйидаги тартибда синовдан ўтказилади:

Памуналарни танлаб олиш - Ўз РСТ 614 бўйича.

Пилиб етилганликни аниқлаш - Ўз РСТ 618 бўйича.

Солитирма узилтиш кучи ва чизиқли зичликни аниқлаш - Ўз РСТ 619 бўйича.

Чизиқли зичлик ва микронейр кўрсаткичи аниқлаш - Ўз РСТ 620 бўйича.

Пахта толасининг раппи ва ташқи кўринишини аниқлаш - Ўз РСТ 629 бўйича.

Пуқсонлар ва инфос аралашмалар миқдорини аниқлаш - Ўз РСТ 632 бўйича.

Штапел массаузунлигини аниқлаш - Ўз РСТ 633 бўйича.

Памликнинг массивий исбатини аниқлаш - Ўз РСТ 634 бўйича.

HVI тизимида пахта толасининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш - В Иловага биноан [1] бўйича.

Пахта толасида ёпишқоқликнинг мавжудлигини аниқлаш белгиланган тартибда тасдиқланган усул бўйича ўтказилади.

7.2 Пахта толасининг муайян бир тўдаси сифат кўрсаткичлари бўйича синов натижаларида таъминловчи ва истеъмолчи орасидаги фарқ синов усуллари стандартларида кўрсатилган метёр чегараларидан ошмаслиги керак.

8 Ташини ва сақлаш

Пахта толасини ташини ва сақлаш Ўз РСТ 841га биноан амалга оширилади.



А-ИЛОВА
(маълумотнома)

Ўрта толали пахта навларининг Универсал стандартлар бўйича таснифи

Пахта толаси ранги ва ифлос аралашмалар миқдорига кўра А.1-жадвалга мувофиқ навларга бўлинади.

А.1-Жадвал

Нави	Белгиси	Коди	Стандартларнинг мавжудлиги
White (Оқ)			
Good Middling	GM	11	+
Strict Middling	SM	21	+
Middling	Mid	31	+
Strict Low Middling	SLM	41	+
Low Middling	LM	51	+
Strict Good Ordinary	SGO	61	+
Good Ordinary	GO	71	+
Below Grades	BG	81	
Light Spotted (Кучсиз доғли)			
Good Middling	GM Lt Sp	12	
Strict Middling	SM Lt Sp	22	
Middling	Mid Lt Sp	32	
Strict Low Middling	SLM Lt Sp	42	
Low Middling	LM Lt Sp	52	
Strict Good Ordinary	SGO Lt Sp	62	
Below Grades	BG Lt Sp	82	
Spotted (Доғли)			
Good Middling	GM Sp	13	
Strict Middling	SM Sp	23	+
Middling	Mid Sp	33	+
Strict Low Middling	SLM Sp	43	+
Low Middling	LM Sp	53	+
Strict Good Ordinary	SGO Sp	63	+
Below Grades	BG Sp	83	
Tinged (Сарғиш)			
Strict Middling	SM Tg	24	
Middling	Mid Tg	34	+
Strict Low Middling	SLM Tg	44	+
Low Middling	LM Tg	54	+
Below Grades	BG Tg	84	
Yellow Stained (Сарик)			
Strict Middling	SM YS	25	
Middling	Mid YS	35	
Below Grades	BG YS	85	

Изоҳ:

- Good Middling – яхши ўрта;
 Strict Middling – қатъий ўрта;
 Middling - ўрта;
 Strict Low Middling – қатъий паст ўрта;
 Low Middling – паст ўрта;
 Strict Good Ordinary – қатъий яхши оддий;
 Good Ordinary – яхши оддий;
 Below Grades – ностандарт.

Навларга ва жинлаш сифатига бўлган талабларни, махсус таснифлаш тагдонларга жойлаштирилган стандарт физик намуналар белгилаб беради. Ҳар тагданда биттадан нав қўйилган бўлиб, ранг ва ифлослашганлиги бўйича бта уя ташқи кўришни ва рангида юз берини мумкин бўлган ўзгаришларни ифода этади. Бу намуналар АҚШ қишлоқ хўжалик департаментининг ташқи кўришни бўйича Универсал стандартлари (USDA) деб аталади, улар кўпинча халқаро стандартлар деб номланади. Физик стандартларга эга бўлган навлар А.1-жадвалда кўрсатилган.

Ўрта толали пахта толаси ранги бўйича оқ бўлиши керак. Пахта толаси рангига қараб гуруҳларга бўлинганда сарғишликка турлича тўйинганлиги ҳисобга олинади: White - оқ, Light Spotted - кучсиз доғли, Spotted – доғли, Tinged – сарғиш, Yellow Stained - сариқ.

Ранг бўйича ҳар бир гуруҳ ичидаги навлар ифлосликнинг ортиб бориши ва ноқулай об-ҳаво шароитлари натижасида қорайиш даражаси билан фарқланади, бу ёруғликни қайтарин коэффициентини камайтиришида акс этади, (масалан, оппоқ рангдан то нимранг тусли ранггача).

White-оқ пахтадаги навлар бўйича ифлосликнинг ўзгариши А.2-жадвалда кўрсатилган.

А.2-Жадвал

Классификатор нави	Коди	Шерли анализаторига кўра толасиз аралашмаларнинг ўртача қиймати, %	Leaf-фактор коди
Good Middling	11	Маълумотлар йўқ	1
Strict Middling	21	1,9	2
Middling	31	2,3	3
Strict Low Middling	41	3,0	4
Low Middling	51	4,3	5
Strict Good Ordinary	61	5,6	6
Good Ordinary	71	7,7	7
Below Grades	81	Маълумотлар йўқ	8

Синалаётган пахта толасини классер усулида баҳолашда ифлослик даражаси White – оқ пахтанинг (11-дан 71-гача навлар) 1-дан 7-гача кўпинча код билан рақамланган еттига стандарт билан солиштириб аниқланади. 7-код стандартдан ифлослиги кўп бўлган пахта толаси учун 8 код сони ишлатилади. Бу код қийматлари Лиф-Фактор (Leaf) деб аталади.

Тола нави намунанинг ташқи кўришини бу соҳадаги физик стандартлар билан солиштириб аниқланади. Физик Стандартлари тайёрланмайдиган пахта толаси навлари физик стандартларга асосланиб, таснифлаш йўли билан аниқланади.

Б ИЛОВА
(мажбурий)

Махсус қўлланиладиган усулларга асосан пахта толасининг
кўрсаткичлардаги таърифи

Б.1 - Жадвал

Пахта толасининг тили бўйича кўрсаткичлари

Типи	Штапел масса- узунлиги, ммда, камида	Чизиқли зичлик, мтекс, кўни билан	I ва II навлар учун солиштирма узилиш кучи, гс/текс
1a	40,2	125	29,0 ва ундан ортиқ
1б	39,2	135	
1	38,2	144	
2	37,2	150	
3	35,2	165	23,0 - 27,0
4	33,2	180	
5	31,2	190	
6	30,2	200	
7	29,2	200 дан ортиқ	

Б.2 -Жадвал

Пахта толасининг нави бўйича кўрсаткичлари

Типи	Навлар бўйича нишиб етилганлик коэффициенти, камида				
	Биринчи (I)	Иккинчи (II)	Учинчи (III)	Тўртинчи (IV)	Бешинчи (V)
1a, 1б, 1, 2, 3	2,0	1,7	1,4	1,2	1,2 дан кам
4,5,6,7	1,8	1,6	1,4	1,2	1,2 дан кам

Б.3 - Жадвал

Пахта толасининг синфлари бўйича кўрсаткичлари

Саноат нави	Пахта толасининг синфлари бўйича нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши меъёрлари, %да, кўни билан				
	Олий	Яхши	Ўрта	Оддий	Ифлос
I	2,0	2,5	3,0	4,0	5,5
II	2,5	3,5	4,5	5,5	7,0
III	-	4,0	5,5	7,5	10,0
IV	-	6,0	8,5	10,5	14,0
V	-	-	10,5	12,5	16,0

ЎЗДАВСТАНДАРТ
Республика
стандартиштириш бўлями

O'z DSt 604:2001

В ИЛОВА
(маълумотнома)

Библиография

[1] O'z RH 73-01:2001 Пахта толаси. NVI тизимида кўрсаткичларни ўлчаш тартиби



О'z DSt 615:2008 Пахта. Техникавий шартлар 1-сонли ўзгартириш

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 209.2013 йилдаги 05-482-сонли қарори билан тасдиқланди ва жорий этилди

Жорий этиш санаси 06.08.2013

Стандартнинг амал қилиш муддати 2018-08-20 гача узайтирилсин.

4.7- банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"4.7 Пахтада мавжуд ширадорлик [1] таҳлил услубиятларида белгиланган рухсат этилган меъёрлардан ошмаслиги керак.


Пахтада кучли даражада бактериал-замбуруғ касаллиги билан зарарланганликка йўл қўйилмайди."

5-бўлим. 5.2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"5.2 Қишлоқ хўжалиги зараркундалари ва касалликлар (гоммоз, бактериал-замбуруғ касаллиги, "шира") билан зарарланган пахта алоҳида терилади ва касаллик тури ва даражаси бўйича ҳамда толанинг физик-механик хусусиятларини инobatга олган ҳолда алоҳида тўдаларга жамланади."

5.4.6-банд. Биринчи хат боши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Пахта теримига қадар амалдаги методик кўрсатмаларга мувофиқ вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарлигидаги комиссияси томонидан ғўза экинларини тола ширадорлиги бўйича ("шира" ва бактериал-замбуруғ касалликлари билан зарарланганлигини) апробацияси ўтказилади. Комиссия ҳар бир туман бўйича тузилиб, унинг таркибига туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлинмаси, вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси ва пахтатозалаш корхонаси, "Сифат" марказининг ҳудудий лабораторияси, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ҳудудий марказининг масъул вакиллари киради. Ғўза экинларини тола ширадорлиги апробацияси натижалари бўйича далолатнома тузилади, ушбу далолатнома вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан тасдиқланади. Ғўза экинларини тола ширадорлиги бўйича апробацияси ҳақидаги далолатномасиз пахта тайёрлов масканларида пахтани топшириш-қабул қилишга йўл қўйилмайди.



O'z DSt 615:2008 1-sonli ўzgartirish

Учинчи хат бошида "кучсиз ва ўрта даражада замбуруғ касаллиги" сўзлари "кучсиз даражада бактериал-замбуруғ касаллиги" сўзларига алмаштирилсин.

Бўлим қуйидаги таҳрирдаги 5.4.11 банди билан тўлдирилсин:


"5.4.11 Кучли даражада "шира" ёки ўрта даражада бактериал-замбуруғ касаллиги билан зарарланган пахта бир навга пасайтирилиб қабул қилинади."

А-илова. А.1-жадвал қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"А.1-жадвал


Типи	Штапел массаунлиги, mm, камида	Чизикли зичлик, mtex, кўпи билан	Биринчи (I) ва иккинчи (II) навлар учун солиштирма узилиш кучи, cN/tex (gf/tex)
1a	40,2	125	28,4 ва ундан кўп (29,0 ва ундан кўп)
1б	39,2	135	
1	38,2	144	
2	37,2	150	
3	35,2	165	
4	33,2	180	22,6 - 26,5 (23,0 – 27,0)
5	31,2	190	
6	30,2	200	
7	29,2	200 дан кўп	

ЎЗБЕКИСТОН АЖЕНТЛИГИ
 STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
 NAZORATINI MUHOFAZALASHTIRISH VA
 AXBOROT-TEKNOLOGIYA ALOHI
 JORIY ETISH BO'YICHA MAS'ALALAR



О'z DSt 615:2008 1-сонли ўзгартириш

"PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI"
ОАЖ бош директори



Б.Я. Кушакеев

Бош директорнинг илмий ишлар бўйича
ўринбосари, т.ф.н.




Р.А. Гуляев

Стандартлаштириш ва метрология бўлими
мудир, СБТ бошлиғи, т.ф.н., кат.,и.,х.



А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим, т.ф.н.



Ю.Д. Якубова

Кичик илмий ходим



Л. А. Джунаева

ЎЗБЕКСТАН Республикаси
СТАНДАРТЛАШТИРИШ ДАВЛАТ
НАЗОРАТИНИ Метрология ва
АХБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИСНОСИ